

**Мирзахмедов Нодиржон Кудратиллаевич: “Тижорат банкларида портфел рискларини бошқариш амалиётини такомиллаштириш”.** (5A230701-“Банк иши (пул муомаласи ва кредит бўйича)”).

**Илмий раҳбар:** проф. Қодиров А.

**Тадқиқотнинг мақсади.** банклари портфел рискинни бошқаришнинг назарий ва амалий жиҳатларини ёритиб бериш, шунингдек, кредит ва қимматли қоғозлари портфели ҳамда улар билан боғлиқ рискларни бошқаришнинг жаҳон амалиётида синовдан ўтган моделларини ўрганиш ҳамда уларни тижорат банкларида жорий қилиш ва шакллантириш юзасидан илмий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари.**

- қўйилган масалани назарий нуқтаи назардан кўриб чиқиш;
- статистик маълумотларни тўплаш ҳамда уларга қайта ишлов бериш;
- тўпланган маълумотлар асосида таҳлил ўтказиш;
- тижорат банклари кредит ва инвестиция амалиётини таҳлил қилиш;
- тижорат банклари кредит ва инвестицион портфел рискларини бошқаришда юзага келаётган муаммоларни аниқлаш ва уларни асослаш;
- портфел рискларини бошқаришни халқаро банк амалиётидаги тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда самарали бошқариш йўлларини таклиф қилиш;
- кредитлаш ва инвестиция фаолиятида рискларни бошқаришни такомиллаштириш масалаларига нисбатан хулоса ва таклифлар бериб, истиқболларини аниқлаш.